

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК
ИНСТИТУТИ**



**“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМий-АМАЛИЙ
(ОНЛАЙН) АНЖУМАН
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

26-27 апрель 2021 йил, Андижон



Андижон - 2021

УЎК: 56732(175:01)

КБК: 6856.221.32

“Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон. АндМИ, 2021 й.

Мазкур тўпланда мамлакатимиз олимлари ва амалиётчиларининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” масалаларига бағишланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган.

Тўпланим 2021 йил 26-27 апрель кунлари Андижон машинасозлик институти томонидан ўтказилган “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани материаллари асосида тузилган.

Анжумани материаллари тўплами профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир
Таҳрир ҳайъати:**

и.ф.н., доцент С.М.Аъзамов
и.ф.н., доцент Д.Исроилова
т.ф.н., доцент М.Юсупов
т.ф.н., доцент М.Каримова
и.ф.н., доцент Н.Х.Халилов
Б.Абдукаримов

Тақризчилар

и.ф.д., профессор Қ.Ҳ.Муфтайтидинов
и.ф.д., профессор И.Умаров

Мазкур тўпланимга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

| | | |
|--|---|-----|
| А.И.Мухаммадислом | фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. | |
| В.Г.Абдукаримов, У.А.Холбеков | Soliq tizimini isloh qilishda soliq yig'uvchilarni rag'batlantirishning avzalligi. | 179 |
| А.А.Сотвoldiev, А.Ш.Холдаров | Kichik biznesni rivojlantirishning investitsion-huquqiy masalalari. | 181 |
| М.М.Мухтаров, С.О.Шокирова | Способы повышения эффективности привлечения и использования долгосрочных инвестиций. | 183 |
| М.М.Мухтаров, М.А.Акбаров | Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацияни кўллашнинг хориж тажрибалари. | 186 |
| С.Юлдашева | Предпосылки перехода на мсфо и их использование для малого и среднего бизнеса. | 188 |
| А.Абдусаматов, Ш.Абдуг'офуров | Korxonalarda rahbar va mutaxassislarining zaxirasini shakllantirish masalalari. | 192 |
| 3-шўьба: Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар ва техник фанларнинг роли. | | |
| S.Sh.Ro'zimatov | Raqamli iqtisodiyot tizimida axborot va tehnologik jarayonlarning ahamiyati. | 195 |
| О.Х.Пўлатова | Талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашга педагогик мулоқотнинг аҳамияти. | 197 |
| Ф.С.Таляқова | Тадбиркорликнинг маънавий-маданий асослари. | 201 |
| С.М.Аъзамов, Н.Т.Сафина | Необходимость геймификации образовательного процесса. | 204 |
| D.B.Ahmadaliyeva | Iqtisodiy ta'lim jarayonida interfaol usullarni qo'llanilishi. | 207 |
| З.Анваржонова | Рақамли иқтисодиётнинг ўзбекистон республикаси иқтисодиётидаги ўрни. | 210 |
| Д.А.Ийманова, И.М.Акрамов | Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ислохотлар. | 214 |
| А.А.Сатвалдиев | Раҳбарнинг касбий маҳорати. | 217 |
| А.А.Сатвалдиев | Раҳбар хотин-қизларнинг шахсий ва ижтимоий психологик жиҳатлари. | 219 |
| Б.Б.Якубова | Мустақил фикрлашнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар. | 221 |
| Д.С.Рахмонова | Бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг ўрни. | 223 |
| М.А.Каримова | Маърифат йўли оиладан бошланади. | 227 |
| Н.Қурбанова, Б.Солиев | Миллий ғоя – тарихан шаклланган ғоя. | 229 |
| М.Қ.Тўланов | Кадрлар билан ишлашда хориж тажрибаларидан фойдаланишнинг ўрни ва | 232 |

ногиронлиги бўлган хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54,6 миллиард сўм бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди¹.

Хулоса ўрнида ёшларга ва хотин қизларга берилаётган эътибор, қўллаб-қувватлаш бўйичани кучайтириш бўйича қилинаётган ислохотлар самарасини кўрсатмоқда. Бу соҳадаги ишлар тобора давлатимиз томонидан жадаллаштирилмоқда. Берилаётган имкониятлардан ҳар бир Ўзбекистон фуқароси тўғри фойдаланса албатта муносиб турмуш тарзига эга бўлиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Ўзбекистон аталмиш бундай гўзал ошиён ягона. Шундай гўзал ва бетакрор, жаннатмакон юртда туғилиб вояга етаётганимизга, шу Ватанда яшаб, фарзандлик бурчимизни адо этаётганимизга, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшаётганимизга минг бора шукроналар айтамыз. Қалбларимизни мустақиллигимизнинг ҳар бир кунидан шукроналик ҳисси ҳеч қачон тарк этмасин!

РАҲБАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ.

Сатвалдиев Азизжон Ахмаджанович - Андижон машинасозлик институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хусусий мулкчиликнинг барча шакллари ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Йилдан йилга кичик ва ўрта бизнес, фермерлик ҳаракати, қўшма корхоналар, оилавий бизнес, оилавий ишлаб чиқариш, касаначилик йўналишида фаолият юритадиган корхоналарда эркаклар билан бир қаторда самарали фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар сони ортиб бормоқда. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, Республикаимизда эркаклар, хотин-қизлар, ёшларнинг фойдали меҳнат билан бандлиги ва оила даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда, хусусан хусусий ва оилавий бизнеснинг турфа шакллари кенг ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилган ҳолда айни пайтда бевосита хотин-қизлар ҳаракатига фаол киришган, ўз хизмат лавозимлари нуктаи назаридан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги нуфузларини оширишга мутасадди бўлган хотин-қизлар қўмиталари раислари, бир вақтнинг ўзида ўз туман ва шаҳарларида ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимида ишлаётган раҳбар аёллар ўртасида психологик текширув ўтказилди. Бунда асосий эътиборни айни дамда лавозимда ўтиришига ижтимоий психологик омил сифатида хизмат қилган шахс хусусиятларининг нечоғли намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлабки текширувда 48 нафар синалувчи хотин-қизлар иштирок этди. Уларнинг ёшлари 35 дан 60 гача бўлиб, ўртача ёшлари 45-50 ни ташкил

¹ <http://WWW/.xabar.uz-22-12-2018>.

этди. Уларнинг маълумоти таҳлил этилганда, аксариятининг маълумоти ижтимоий-гуманитар, аниқроғи – педагогик эканлиги аён бўлди.

“Ҳозирги хизмат мавқеингизнинг мўътадил бўлишига ишончингиз борми?” деб деган саволимизга респондентларнинг 30 фоизигина бундан ишонч борлигини таъкидлашди. 28,4 фоиз сўралувчилар шу мавқени ушлаб қолишга интилаётганликларини, бошқа ишга ўтиш истаги йўқлигини эътироф этдилар. Демак, респондент аёлларнинг кўпчилиги айна пайтдаги мавқеларидан мамнун ва уни сақлаш ва бундан ҳам юқори лавозимларга чиқиш истайдилар. Ижтимоий психологик сўровномадаги “Янги, нотаниш, қутилмаган вазиятларни бошдан кечиришга муносабатингиз?”[5...Каримова В.М., Ҳайитов О.Э. Маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимига лойиқлигини баҳолашга оид тест ва методикалар тўплами. Методик қўлланма.// Проф. В. Каримованинг умумий таҳрири остида.- Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008 – 64 б.28 bet] деб берган саволга сўралувчиларнинг ҳар учтасидан биттаси бундай вазиятларни ёқтирмасликларини, умум эътироф этилган нормалар ва ўхшаш вазиятларни ёқтиришларини қайд этдилар. Бу, бизнинг фикримизча, бизнинг шароитимизга хос, ўзбекчилигимизга хос хусусиятлардан келиб чиқади.

Ижтимоий психологик сўров мобайнида биз албатта респондентларнинг дунёқарашларига алоҳида эътибор қаратдик. Маълум бўлдики, сўровда қатнашган раҳбар хотин-қизларнинг аксарияти истиқболда ўз билим ва савияларини янада орттириш, ўзлари фаолият кўрсатаётган соҳада билимдонликларини оширишни истайдилар: бундай позициядагилар сўралувчиларнинг роппа-роса 75 фоизини ташкил этди. Бу омил уларнинг келгусида муваффақиятли ишлашларида ва шу билан биргаликда индивидуал-психологик жиҳатдан шахс сифатида ҳам ўсишларига туртки бўлишини ҳам улар яхши англайдилар. Шу маънода сўралувчиларнинг 70 фоизи ўзларига нисбатан баҳолари адекват эканлигини, ўз устида ишламагунча кўпчилик эътирофига эришиш мушкуллигини билдилар. Бу маълумотлар уларнинг ижтимоий жиҳатдан билимдонликлари яхши эканлигидан, ходимлар билан ишлаганда ҳам психологик жиҳатдан пишиқ раҳбарлар бўлишлари учун замин эканлигидан дарак беради. Чунки ўзига нисбатан баҳо адекват бўлгандагина раҳбар фаолияти самарали бўлишига ишониш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, “Раҳбарлик фаолиятингизга профессионал маҳоратингизни ошириб боришингизнинг таъсири борми?” деб берилган саволга респондентларнинг 78 фоизи ижобий жавоб бердилар. Профессионал маҳоратли шахсина уларнинг фикрича, раҳбарликнинг нозик ва мураккаб жиҳатларини ҳам эгаллай олади ва ўз ишини самарали уддалайди.

Хулоса қилиб айтганда раҳбар хотин-қизларнинг 36 фоизи ўзларини мутлоқ мустақил, керак бўлса, қайсар, ҳар қандай шароитда ўзларини устун – доминат тутиш орқали, ўзлигини, ўзининг ким эканлигини намоён қилишга тайёр экан. Фақатгина 8 фоиз жавобларда ўзларидаги тобеликни тан олиш ҳолатлари мавжуд, чунки улар биринчи навбатда хато қилиб қўйишдан

қўрқишади. Респондентларнинг қолган тенг ярми барча раҳбарларга хос бўлган эҳтиёткорлик, зийраклик, шошмасдан ўйлаб мулоҳаза юритиш, жиддийлик, атрофга эътиборлилик каби сифатларни ўзларида мавжудлигини тан олганлар. Демак, замонавий аёл раҳбарлар ҳам эркакларга хос, деб эътироф этилган сифатларнинг ўзларида мавжудлигини билишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Халқ сўзи, 2017. 8 февраль.
3. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э. Маъмурий бошқарув органлари раҳбарларининг лавозимига лойиқлигини баҳолашга оид тест ва методикалар тўплами. Методик қўлланма.// Проф. В. Каримовнинг умумий таҳрири остида.- Т.: “Fan va technology” нашриёти, 2008 – 64 б.

РАҲБАР ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.

Сатвалдиев Азизжон Ахмаджанович - Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хотин-қизларнинг 45 фоизидан зиёди бугун миллий иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фаолият юритиб келмоқдалар. Уларнинг ишлаш, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонунларимиз орқали қафолатлангандир. 2008 йилда жами меҳнатга лаёқатли аҳолининг 43,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Юртимизда ҳар йили аҳоли учун минглаб янги иш ўринлари яратилиб, уларнинг 40 фоизини хотин-қизлар эгалламоқдалар.

Иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган мутахассис кадрлар, илмий ходимларнинг 38 фоизини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг орасида академиклар, фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, катта ва етакчи илмий ходимлар сони ҳам йилдан йилда ортиб бормоқда. Раҳбарлар орасида илмий ва маориф соҳаларида етакчилик қилаётганлар миқдори ҳам ортиб бормоқдаки, бугун 20 дан зиёд олий ўқув юртлирининг проректорлари, 34 нафар деканлар, салкам 400 яқин кафедра мудирлари аёллардир.

Раҳбар кадрлар етиштиришда олий ўқув юртлирининг улуши сезиларлидир, шу боис ҳам қизларни олий маълумотли қилиб тарбиялаш, уларни бакалаврият ҳамда магистратура босқичидан кейин ҳам илмий изланишлар олиб боришга йўналтириш ўз самарасини бермоқда. Айниқса, педагогика олий ўқув юртлири, ижтимоий гуманитар ихтисосликларни